

## МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

**Кадиров Камил Маликович**

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида давлатлар ўз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун турли иқтисодий механизмларни қўлламоқдалар. Шулардан бири – эркин ва махсус иқтисодий зоналар бўлиб, улар инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва экспортни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Эркин иқтисодий зоналар илк бор XX асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Корея, Сингапур, Ирландия ва Хитой каби мамлакатларда самарали иқтисодий ривожланиш воситаси сифатида жорий этилган. Улар қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, енгиллаштирилган маъмурий тартиблар ҳамда қулай бизнес муҳити орқали иқтисодиётни диверсификация қилишда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари эркин иқтисодий зоналарни қўллаб-қувватлаб, саноатни модернизация қилиш, хорижий капитални жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш каби мақсадларга эришмоқда. Шунингдек, улар мамлакатнинг технологик салоҳиятини ошириш, инновацияларни жорий этиш ва экспорт салоҳиятини кучайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида эркин ва махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш сиёсатиغا катта эътибор қаратмоқда. Охирги йилларда мамлакатда ташкил этилган иқтисодий зоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқа тармоқларда самарали фаолият юритиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантирмоқда.

Республикамизнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги иштироки экспортни диверсификациялашнинг паст даражаси, хизматлар экспортида рақобат устунликларидан, шунингдек, илим талаб қиладиган тармоқлар маҳсулотларидан заиф фойдаланиш билан тавсифланади. Чегаралараро ҳамкорликнинг чекланган доираси технологиялар алмашинуви, ўз тармоқларини жадал ривожлантириш имкониятларини пасайтиради.

Миллий иқтисодиётининг яна бир камчилиги - бу экспорт қилинадиган асосий товарларнинг жаҳон нархларига боғлиқлиги юқарилиги ва заиф диверсификациясидир. Бу мамлакатимиз иқтисодиётини беқарорлигига жиддий таъсир ўтказувчи манбаларидан биридир.

Экспортнинг иқтисодий салоҳиятга таъсири. Экспортни ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодиётига қуйидаги ижобий таъсирлари мавжуд:

- янги иш ўринлари яратилиши – экспорт орқали саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кўшимча иш ўринлари пайдо бўлади;

- валюта тушумини ошириш – экспорт орқали мамлакатга келаётган хорижий валюта резервлари ошади ва миллий иқтисодиёт мустаҳкамланади;

- ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш – ички бозор имкониятлари чекланган бўлган шароитда ташқи бозорларга чиқиш орқали корхоналар ўз фаолиятини кенгайтиради;

- технологик тараққиёт ва инновациялар – экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун янги технологиялар жорий этилади ва рақобатбардошлик ортишига ҳисса қўшилади;

- миллий бренд ва имиджни шакллантириш – халқаро бозорда мамлакат маҳсулотларига бўлган талаб ошиши миллий бренднинг қадрини оширади.

Иқтисодий зоналарнинг экспортни ривожлантиришдаги аҳамияти.

Эркин иқтисодий зоналар ва махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга чиқишда қулай шароит яратиб беради. Уларнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Солиқ ва божхона имтиёзлари – эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган корхоналар учун даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва божхона тўловларида имтиёзлар тақдим этилади.

Инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш – экспортга йўналтирилган корхоналар учун логистика, транспорт ва энергия таъминоти яхшиланади. Ташқи бозорларга чиқиш имконияти – ЭИЗ ва МИЗда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар халқаро стандартларга мувофиқ бўлиб, жаҳон бозорида талабга эга бўлади.

Хорижий инвесторлар учун жозибадорлик – иқтисодий зоналар хорижий сармоядорлар учун қулай муҳит яратиб, уларни инвестиция киритишга рағбатлантиради.

Экспорт йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш – эркин иқтисодий зоналарда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг умумий экспорт салоҳияти ошади.

Ўзбекистонда иқтисодий зоналар ва экспорт сиёсати. Ўзбекистон ҳукумати сўнгги йилларда экспортни рағбатлантириш ва эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда мамлакатда 14 та эркин иқтисодий зона ва бир нечта махсус иқтисодий ҳудудлар фаолият юритмоқда. Улардаги корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шу билан бирга, "Made in Uzbekistan" брендини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва миллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш мақсадида турли давлатлар билан савдо ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда. Экспортни янада

ривожлантириш учун иқтисодий зоналарнинг самарадорлигини ошириш, инфратузилмани яхшилаш ва халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш зарур.

Республикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2024 йил январь-март ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 15,8 млрд. АҚШ долларига етди ва 2023 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 927,9 млн.АҚШ долларига ёки 6,2 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди(1.2-жадвал).

### 1.2-жадвал

#### Ташқи савдо айланмаси ва баланси<sup>1</sup> (АҚШ доллари)

	2023 йил	2024 йил	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан, % да
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>14 895,1</b>	<b>15 823,0</b>	<b>106,2</b>	<b>x</b>
<b>Экспорт</b>	<b>5 804,3</b>	<b>6 384,4</b>	<b>110,0</b>	<b>100,0</b>
товарлар	4 765,1	5 245,0	110,1	82,2
хизматлар	1 039,3	1 139,4	109,6	17,8
номонетар олтин	2 410,3	2738,4	113,6	42,9
<b>Импорт</b>	<b>9 090,8</b>	<b>9 438,6</b>	<b>103,8</b>	<b>100,0</b>
товарлар	8 595,4	8 747,2	101,8	92,7
хизматлар	495,4	691,4	139,6	7,3
<b>Салдо</b>	<b>-3 286,4</b>	<b>-3 054,2</b>	<b>x</b>	<b>x</b>

Ташқи савдо айланмада экспорт ҳажми 6384,4 млн. АҚШ долларига (10,0 % га кўпайди) ва импорт ҳажми 9 438,6 млн. АҚШ долларига (3,8 % га кўпайди) етди. Ҳисобот даврида 3 054,2 млн. АҚШ доллари қийматида манфий ташқи савдо баланси қайд этилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилди

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси  
(январь-март, млрд. АҚШ доллари)




**1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси<sup>2</sup>**

Юқоридаги диаграммада кўриниб турибдики, 2024 йил январь-март ҳолатига кўра Республиканинг ташқи савдо айланмаси 15,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди, 2020 йилга нисбатан 7,8 млрд. АҚШ долл. ёки 96,9 % га ўсиш қайд этилган. Шунингдек, ташқи савдо айланмасининг ЯИМга нисбати ҳам сезиларли даражада ўсиб бормоқда, бу савдо жиҳатидан иқтисодийнинг ўсишидан далolat бермоқда.

Экспорт таркибида товарлар улуши 82,2 % ни ташкил этиб, улардан: саноат товарлари (16,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (5,7 %) ва машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (5,5 %) ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, экспорт таркибида олтин улуши жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 41,7 % ни ташкил этди. Умумий экспортда хизматлар, 2023 йилга нисбатан 9,6 % га кўпайиди.

Республикамизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 37,8 % ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги 2023 йилга нисбатан улуши 34,6 % га ортган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги маълумоти




**1.4-расм. МДХ ва бошқа давлатларга товар ва хизматлар экспорти ҳажмлари динамикаси<sup>3</sup> (январь-март, млн. АҚШ доллари, улуши, % да)**

2024 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорларимиз ХХР, Россия Федерацияси, Туркия, Қозоғистон, Афғонистон ва Қирғиз Республикаси каби давлатлар бўлган. Уларнинг умумий экспортдаги улуши 32,2 % ни ташкил этди. (1.5 расм).

Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасининг энг юқори ҳажмлари Россия Федерацияси (11,3%), ХХР (7,1%), Қозоғистон (4,6 %), Туркия (4,1%), билан қайд этилди.

Республика экспорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 17,4 % билан 1 113,9 млн. АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Жиззах вилояти 0,7 % билан 47,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди(1.6-расм).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги маълумоти



#### 1.6-расм. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида экспорти<sup>4</sup> (2024 йил январь-март)

Экспорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари 2023 йилга нисбатан Навоий (171,7 %), Қашқадарё (141,9 %), Самарқанд (133,0 %), Қорақалпоғистон Республикаси (131,4 %), Хоразм (130,3 %), Сурхондарё (122,4 %) вилоятлари ва Тошкент (104,7 %) шаҳрида қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Сирдарё вилоятига (70,4 %) тўғри келди.

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2024 йил январь-мартда 375,3 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 72,5% ёки 157,7 минг тоннага ўсган.

2024 йил январь-мартда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 219,8 млн. АҚШ доллари қийматидаги мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 20,7 % га кўпайди ва жами экспортдаги улуши 3,4 % ни ташкил этди.

Мева – сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда энг катта улуш шафтоли (шу жумладан нектаринлар) – пиёз – 11,8 %, карам – 10,1 %, узум

<sup>4</sup> Bojxona qo'mitasining bojxona yuk deklaratsiyalari ma'lumotlari asosida shakllantirilgan

(қуритилган) - 6,8 %, тарик-4,1, помидор – 4,0 %, олхўри қуритилган – 3,9 %, сабзи – 3,3 %, узум – 2,2 % тегишли бўлди.

2024 йил январь-март ойларида мева ва сабзавотлар экспортининг қиймат жиҳатидан энг катта ҳажми Покистонга тўғри келди (мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 26,2 % и) бу кўрсаткич Туркияга экспорт ҳажмидан 2,2 баравар кўп.

Шу билан бирга, бошқа хизматлар (4,0 %)ни ташкил этиб, таркибида энг юқори улушлар суғурта ва пенсия таъминоти хизматлари (1,4 %), молиявий хизматлар (0,9 %) ҳамда интеллектуал мулкдан фойдаланганлик учун йиғимлар (0,7 %) ҳиссасига тўғри келди.

Экспорт мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий драйверларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги технологияларни жалб қилиш ва миллий валюта тушумини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, экспорт салоҳиятини кучайтириш учун эркин ва махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш талаб этилади. Бу зоналар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозорларда миллий брендни мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар сони ва уларнинг фаолияти тобора кенгайиб, давлат томонидан рағбатлантириш механизми кучайтирилмоқда. Шу билан бирга, ташқи бозорларда экспорт улушини ошириш мақсадида иқтисодий зоналар инфратузилмасини яхшилаш, тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш ва инновацион ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Экспорт иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири бўлиб, у мамлакатнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини оширади. Эркин ва махсус иқтисодий зоналар экспорт салоҳиятини оширишда муҳим рол ўйнайди, чунки улар хорижий инвестициялар жалб этилишига, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига ва савдо алоқаларининг кенгайишига хизмат қилади.

Ўзбекистондаги иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига ҳисса қўшади.

Фикримизча мамлакат иқтисодий зоналари фаолиятини ривожлантириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини қуйидаги таклифлар асосида кенгайтириш мумкин бўлади.

Инфратузилмани ривожлантириш – иқтисодий зоналарда транспорт, логистика ва энергия таъминоти тизимларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратиш.

Ҳуқуқий ва маъмурий тартибларни соддалаштириш – эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлар учун енгиллаштирилган лицензиялаш, божхона ва солиқ тизимини такомиллаштириш.

Экспортбоп тармоқларни қўллаб-қувватлаш – юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш қувватларини ошириш.

Ҳорижий сармоядорлар учун жозибадор муҳит яратиш – иқтисодий зоналарда хорижий сармояларни жалб қилиш учун қўшимча имтиёзлар бериш ва барқарор макроиқтисодий муҳитни таъминлаш.

Экспорт бозорларини диверсификация қилиш – янги халқаро бозорларга чиқиш ва экспорт бозорларининг географик кўламини кенгайтириш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда экспортнинг улуши ошади, миллий иқтисодиёт мустаҳкамланади ва мамлакат халқаро бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлашга эришади.

### **Фойдалинилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 13 июндаги “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-153-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги маълумоти.